

---

## Сектор раҳбарлари ҳудудларда

Тошлоқ тумани ҳокими Абдуқаҳхор Джурабаев 1-сектор штабида Найман, Чек ва Истиқлол маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқароларни қабул қилди. Сайёр қабул давомида фуқаролардан кўчани шағаллаштириш, электр таъминотини яхшилаш, ичимлик суви тармоғини тортиш ва имтиёзли кредит олиш каби 10 дан ортиқ мурожаатлар эшитилди. Мурожаатлар бўйича масъул раҳбарларга топшириқлар берилди.

Бугун туман ҳокими Абдуқаҳхор Джурабаев ва туман прокурори Ахроржон Худойбергановлар пахта далаларида бўлишиб, теримчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди. Тадбир давомида фермер хўжаликларидағи илғор теримчилар ва "Темир дафтар"да турувчи оиласалар вакилларидан иборат ҳашарчиларга эсдалик совғаларини топширдилар. Туманимиздаги пахта майдонларида фидойилик қилаётган теримчиларни рағбатлантириш тадбирлари давом этмоқда.

2020-10-28 18:11:37